

- 1 - сонли шартнома  
«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

шаҳри, тумани  
« 11 » 01. 2022 й.

Ушбу шартнома «Хоразм сув таъминоти» МЧЖ шаҳар, туман бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи»  
деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Ф. Рамазимова

шаҳсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи (Ф.И.О.)  
Хасо Тўмон Хасо

асосида иш олиб борувчи директор С. Рамазимова

(Ф.И.О.)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ «Истеъмолчи»лари деб юритилади) учун сув етказиш 3557 сўм 50% нарх буйича 1 м<sup>3</sup> ни;  
1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 3050 сўм (+ККС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ)ни;  
Ичимлик сувининг ўртача суткалик сарфи (лимит) ----- м<sup>3</sup>  
Оқова сувининг ўртача суткалик сарфи (лимит) ----- м<sup>3</sup>  
1 м<sup>3</sup> оқова сув учун ----- сўм (+ККС 15%), + ----- сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда.  
Шу тариха шартноманинг умумий қиймати 2308817,50 (икки миллион 50 минг 500 сўм) сумни ташкил қилди (сумма ёзув билан).

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 2308817,50 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан ----- сўм тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари тўловларни Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарқасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари буйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақ 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 50 сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун 50 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

### II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техника имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-драхтларни сугориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал буйича, факат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатишга минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатиш тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланиши «Истеъмолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техника шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилди. «Таъминотчи»дан олинган техника шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қоидалар ва бошқа метёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз қучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техника ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади.

- а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа уланишини узиб қўйувчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;
- б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи оқова кудуги (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу кудук «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағилари ҳисобидан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### **3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:**

- 3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- 3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қаида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- 3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;
- 3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- 3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

#### **3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:**

- 3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;
- 3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тикилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;
- 3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;
- 3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик;
- 3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зуфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чақирши;
- 3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

#### **3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:**

- 3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлик ва қисман тўхтатиши мумкин:
- а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;
- б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида қўздан кечириб, белгиланган лимитдан қўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;
- в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;
- г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;
- д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;
- е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;
- ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлик ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

- а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;
- б) Табиий офатлар рўй берганда;
- в) Авария ҳолатларида;
- г) Ёнгин чиққан жойларга сув узатишни қўпайтиришга зарурат туилганда.

#### **3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**

- 3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;
- 3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;
- 3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;
- 3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқова тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;
- 3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олиндини олиш, саноат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;
- 3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффицентни қўллаш;
- 3.4.7. Оқова сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;
- 3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;
- 3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;
- 3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;
- 3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- 3.4.12. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

#### IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошка сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг ҳудудида ва тасарруфияда бўлган пломбаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сақланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузали ва ушбу далолатнома «Истеъмолчининг» масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошка ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амалдаги метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошка ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

#### V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобга маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

5.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсуддорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудуқ, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошка оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудуқ, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

#### VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетган сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйидаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари» ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортқича оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдордан ортқича оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш таъкикланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортқича оқизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иктисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортқича оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

**VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича суди ёки «Хоразм медиация ва арбитраж маркази» жамияти ҳузурдаги доимий фаолият курсатувчи ҳакамлик судида ёки Ўзбекистон савдо саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузурдаги доимий фаолият курсатувчи ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо ҳакамлик судида ҳал қилинганда суднинг Регламенти ва Низомига кура ҳал этилади. Ҳакамлик муҳокамаси таркиби, судьялар сони ва суднинг жойи мазкур суд раиси томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни ва иловасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманинг 7.1 бандида курсатилган тартибда «Хоразм медиация ва арбитраж маркази» жамияти ҳузурдаги доимий фаолият курсатувчи ҳакамлик судида ҳал қилинади.

**VIII. Форс – мажор**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўн муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

**IX. Шартноманинг амал қилиш муддати**

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома, имзоланган кундан 5 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади. Зарур ҳолатларда шартнома узайтирилиши ҳам мумкин, бунда томонлардан бири шартноманинг амал қилиш муддатини вақтидан аввал тўхтатмаган, «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Таъминотчи»ни огоҳлантирган ва шу вақтгача ичимлик сувини етказиб бериш ва канализация хизматлари ҳақини тўлик тўлаб қўйган бўлиши лозим.

**X. Тарафларнинг юридик манзиллари:**

**«ТАЪМИНОТЧИ»**

«Хоразм сув таъминоти» МЧЖ  
шаҳар, туман бўлими  
Манзил: Шоколов йули 19-й  
Тел: 3728151  
Банк: Ипотека банк Хоразм вилояти филиали  
х/р: 226380002005106667512  
СТИР 201733481 МФО 00579  
ОКЭД 36000



Раҳбар: Р. Раҳмотов  
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо) \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202 \_\_\_\_\_ й

**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**

Манзил: Кеба Тўлов йули 19-й  
Тел: 3728151 факс \_\_\_\_\_  
газ/х-р: 100022860337767092100075062  
Банк: Марказий банк КИМ  
Банк коди: 00014 СТИР: 202016803  
ХХТУТ: Шоколов йули 19-й  
Шахсий рақам: \_\_\_\_\_  
Шахсий х-р: 23402000300600001010  
Банк: Марказий банк КИМ  
Банк коди: 00014 СТИР: 202016803

(Ҳазматчилик бўлимига юр.)  
Раҳбар: С. Раҳмонов  
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо) \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202 \_\_\_\_\_ й

**Юридик ҳулоса:**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган.

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202 \_\_\_\_\_ й.